

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ИШЧИ ГУРУХЛАР ФАОЛИЯТИ



ДОЛЗАРЪ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳужжат жамиятлари ижро этувчи органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Унда "Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими ҳамда шартномавий муносабатларнинг тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.



– Фуқаролар иштирокидаги энг кўп шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан бири – бу қарз олди-бердиси, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Виктор Пак. – Аммо амалдаги қонунчиликда чет эл валютасида қарз бериш ва қайтариш бўйича шартнома тузишга рухсат берилмаган. Мазкур ҳужжат билан жисмоний шахсларга қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат бериш тартибини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Қонун қабул қилиниши натижасида жисмоний шахсларнинг ўз мулк ҳисобланган чет эл валютасидаги пул маблағларини эркин тасаруф этиши, хусусан, уларнинг чет эл валютасида қарз беришда ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши таъминланади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" мухбири

МАСАЛА КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛСА, ЕЧИМ ҲАМ ТОПИЛАДИ!

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида "Мақтабларни ривожлантириш Миллий дастурини жорий этиш, мақтабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш" мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.



Мазкур тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда парламент кўйи палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, вилоят халқ таълими масъул ходимлари, мақтаб директорлари ҳамда ўқитувчилар иштирок этишди.


Самарқанд шаҳрида онлайн конференция тарзида ўтказилган ишчи гуруҳининг галдаги тадбири Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналиш – мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш масаласида белгиланган вазифалар муҳокамага бағишланди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, парламент кўйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Адҳам Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Светлана Артикова қонун устуворлиги ва конституцийий қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараённинг бош мезони сифатида инсон қадрини белгилаш тўғрисида ўз фикрларини билдирди.

Самарқанд вилоят прокуратураси бўлими прокурори С. Сатторов ўз маърузасида манзил колониясида жазо муддатини ўтаётган маҳкум Самарқанд давлат архитектура ва курилиш институтига ўқишга қабул қилинган сабабли унга Жиноят-ижроия кодекси доирасида сиртдан, онлайн тартибда ўқиш учун барча шароитлар яратиб берилгани ва у жазони ўташ билан бир вақтда олий ўқув юртида ҳам ўқиниш давом этириши юртимизда олиб борилётган ислохотларнинг натижаси эканлигини мисол тариқасида айтиб ўтди.

ни тинглаш, таклифларини эшитиб, зарур хулосалар чиқаришга қаратилганини айтиб ўтди. – Муаллимлар билим ва малакасини ошириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Гулшана Худоевора. – Бугун ўқитувчилар билан дилдан суҳбатлашиб амин бўлдимки, биз янги қонунлар ишлаб чиқишда биринчи галда мақтабларга кириб боришимиз, амалиётчи педагоглар фикрларига таянишимиз лозим экан. Мақтабларда билимли ўқитувчилар кўп, шу билан бирга, ўз соҳасини чуқур эгалламаган, мақтаб ва таълимдан узоқ кишилар ҳам ўқитувчи бўлиб юрибди. Очиқ мулоқотда ўқитувчилар имижини яратиш, одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, ўқитувчини ишга олишда талабни кучайтириш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини доимий назорат қилиб бориш, мансабдорнинг яқин қариндоши бўлган ўқитувчилар ўз устида ишлашда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, мақтабда учинчи шахс аралашувига йўл қўймаслик каби масалалар ўртага ташланди.



Фарғона вилоятининг Бешарик туманидаги муҳокамада рақамли иқтисодиётни "драйвер" соҳага айлантириш борасидаги ишларни жиддий ўрганиш асосий мавзу сифатида танланди.

Ўтказилган мониторинг шуларни кўрсатдики, банк-молия соҳасида аҳолига масофадан хизмат кўрсатиш ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Мижозларга онлайн-кредит, shakana.uz платформалари, интернетбанк, интернет-смс, мобилбанк ва бошқа қулайликлар орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Агробанк АТБ филиали томонидан январь ойида 255 та, февраль ойида эса 256 та онлайн кредит берилган. 11 та HUMO ва Uzcard банкматлари фаолияти йўлга қўйилган, Микрокредитбанк филиали томонидан ҳам январь-февраль ойларида скоринг таҳлил орқали 80 дан ортиқ микроқарз, истеъмоладан онлайн кредитлар берилган ҳамда 3 та банкмат фаолият кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, ушбу тижорат банклари филиалларида электрон навбат тизими жорий этилмагани аҳолига бир мунча ноқулайликлар туғдирётгани қайд этилди. Булардан ташқари, туманда рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини кенг полсали улашиш тармоқлари билан қамраб олиш ишлари ҳолати ҳам ўрганилди. Бугунги кунда туманда 292,2 км узунликда оптик талали алоқа линиялари тортилган, 5 056 та кенг полсали портлар ўрнатилган, 60 та умумтаълим мактаби, 60 та МТТ, 14 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 62 та МФЙлар юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

ЭЪТИРОФ

ЯШНАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи ҳудудда катта бунёдкорликларга йўл очиб бермоқда. Давлат раҳбари 2018 ва 2019 йилларда Мўйноққа ташрифи чоғида кўплаб ислохотлар билан танишиб, йирик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, бу ерда транспорт коммуниқацияларини яхшилаш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берган эди. Қаранглик, қисқа вақтларда автомобиль йўллари таъмирланиб, Мўйноқ аэропорти янгиланган ҳолда ишга туширилди.

Бу галги учрашув ҳам катта воқеага айланди. Сафар давомида ўтган учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдирларида билдирилган фикрларни юртоқларимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб боришди. Ташриф аввалгиларидан фарқли жиҳатлари билан одамлар ёдига муҳрланди. Айниқса, Мўйноқ туманига Тошкент вилоятининг бириктирилиши оқилона қарор бўлгани бот-бот тилга олинди. Орол денгизининг қуриган тубида ўтган йилларда 1 миллион 524 минг гектар тўқайзор барпо этилди. Бу йил 100 минг гектар майдонда "яшил қоплама" барпо қилиш режалаштирилган. Президентимиз Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазиятини кўраб экан, экологлар ва ўрмон хўжалиги мутахассислари билан суҳбатда бошланган эзгу ишларни изчил давом эттириш, кейинги босқичда чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича 5 йиллик миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Соҳа олимларининг маълумотларига кўра, Оролбўйи ҳудудларида барпо этилган 2 йиллик саксовулзорда шамол таъсирида қум кўчиши 20 фоиз, 5 йиллик саксовулзорда 80 фоиз, 7 йиллик саксовулзорда эса тўлиқ тўхтади. Натижада Оролбўйи минтақасида иқлим мўътадиллашади, қумларнинг ҳавога кўтарилиши тўхтади. Инсонларнинг яшashi учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади. Тахтақўпир туманидаги "Белтов" овул фуқаролар йиғинида мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Туман марказидан 40 километр узоқда жойлашган худуднинг шароити оғир эди. "Обод қишлоқ" дастури доирасида бу ерда шунчалик катта ишлар амалга оширилдики, натижада овул қиёфаси тубдан ўзгарди. Фуқаро-

лар йиғини идораси, маданият маркази, шифокорлик пункти, мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди. Янги қурувлар тортилиб, ичимлик сув таъминоти яхшиланди... Энди мана шу жараёни бутун Қорақалпоғистон Республикаси доирасида бир тасаввур қилсангиз, бунёдкорликлар қўламини янада яққол англайсиз. Олис туманлардан бири бўлган Шуманада 2020 йили иш бошлаган "Шуманай экотекс" корхонаси аҳоли, айниқса, хотин-қизларни доимий иш билан таъминлашда муҳим ҳисса қўшмоқда. Етти минг тоннадан зиёд ип-калага тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада ўтган йили 51 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 5 миллион АҚШ доллари экспорт амалга оширилди. Президентимиз сафари чоғида ушбу корхона фаолияти билан танишиб, ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотларни кўздан кечирди, ишчилар билан суҳбатлашди. Беруний туманида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси билан ҳамкорликда қуриляётган шамол электр станцияси ҳудуд иқтисодиётига қўшимча куч бўлади, тадбиркорлик янада ривожланади, одамлар ишли бўлади. Қорақалпоғистонда ягона бўлган Тахиятош иссиқлик электр станцияси 680 миллион АҚШ доллар эвазига модернизация қилиниб, 560 мегаватт қувват ишга туширилди. Келгуси беш йилда 2 минг 500 та янги корхона ташкил

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати ходими

КЕЙИНГИ СОНДА!

"БИТТАГИНА КИТОБ БЕРИНГ!"

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактабида "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган "Ёшларга оид давлат сийёсатини тақомиллаштириш" (70-мақсад)да ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топшишга қўмаклашнинг" мавзусида ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда чоп этиляётган босма нашрлар муҳаррирлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вакиллари, хорижлик журналистлар иштирок этиб, Президентимиз ташаббуси билан давлатимиз тараққиёти, халқимизнинг маънавий-маърифий дунёсини янада бойитишга хизмат қилувчи тарихий дастурнинг мазмун-моҳияти ва бугунги кунда энг долзарб масалалар хусусида сўз юритдилар. Шундан сўнг жонли мулоқот бошланди. Мехмонларни ҳайрат ва ҳаяжонга солувчи саволлар ёғилди. Бир маҳал давранинг бир чеккасида қимтинибгина ўтирган беш ёшлар атрофидаги қизалоқ қўлини кўтарди: "Илтимос, менгаям биттагина китоб беринглар!" деб қўлса бўлади. Кейин... Бу гўзал тадбир тафсилотларини газетамизнинг кейинги сонда ўқийсиз.



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахтибай Алдамуратов Тахтақўпир туманидаги "Қаратерен" маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли вакиллари, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчисининг фаолиятини ўрганди. Шу маҳаллада жойлашган 12-умумтаълим мактаби педагоглари билан суҳбатлашди.

Мазкур мактаб 2020 йилда эски иморат ёнига янгисини қуриш орқали қайта фойдаланишга топирилган. Бино 220 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 210 нафар ўқувчига 33 нафар муаллим сабоқ бераётди.

Учрашув давомида депутат ўз сайловчиларига Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгилаб берилган устувор вазифалар, мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ўзгаришлар ҳақида жонли мисоллар орқали гапириб берди.

Юзма-юз мулоқот давомида сайловчиларни қийнаётган муаммолар ҳам ўрта-

га ташланди. Жумладан, маҳаллада болалар боғчаси ва мактабда мажлислар зали йўқлиги долзарб масала сифатида кўтарилди.

Парламент кўйи палатаси депутати Мухтор Ибрагимов эса Хўжайли туманидаги "Амударё" овул фуқаролар йиғинида ўз сайловчилари билан учрашди. Оқиб мулоқотда пайтида у юртимизда кекса авлодга қаратилаётган эътибор, бу борада қабул қилинаётган қарор ва фармонлар бўйича батафсил маълумот берди. Сайловчилар ички йўллarning таъмирталаблиги, электр энергияси ва табиий газ етишмаслиги каби муаммолар қачон ечилишини сўрашди. O'zLiDeP фракцияси аъзоси эса буларни расмий сўров сифатида ижроия органларига киритишга ваъда қилди.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев ўз округида жойлашган 16-мактабгача таълим ташкилотиде кўрганлари, бу ерда масалалар тўғрисида ижтимоий тармоқларда пост қолдиргани. Ушбу қишқирга Норин тумани мактабгача таълим бўлими мудири Р. Мамажонов кўп ўтмай расмий муносабат ҳам билдирди. Унда, жумладан, шундай дейилади (тахрирсиз берилган): "Ушбу ҳолатда ким айбдор? Ташкилотда МТТ директори лавозим вазифасини биладими? Хўжалик мудири нима иш қилади? МТТ хонасида пол синиб кетган бўлса, уни бўлим мудири ёки бирор жойдан бирор кимса келиб таъмирлаб бермайди. Лавозим вазифаси бўйича хўжалик мудири ташкилотдаги мавжуд таъмирталаб бўлган жиҳозларни таъмирлаш ишларини ташкил этиш керак. Ким келса бизда мана бунақа камчилик бор деб ошқора қилинаверадими? Мақолада поллар яроқсизлигини Тошкентдан келиб бизга кўрсатиб бергандек тасаввур уйғотилмоқда. Ваҳоланки, мен 16-МТТга борганимда МТТ директори Мадина Шамсиддиновага кузатув кенгаши билан кенгашиб, ҳудуддаги теракларни кесиб, шунга



ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ОСОН ЭМАС

МУАММОЛАР КЎП, УЛАРГА БАРИБИР ЕЧИМ ТОПИШИМИЗ ШАРТ!



БУХОРО ВИЛОЯТИ

30-Ғиждувон сайлов округидан парламент кўйи палатасига сайланган депутат Шухрат Бафоев томонидан "Чағдари" МФЙ ҳудудидаги 23-умумтаълим мактабиде ўтказилган учрашувда, энг аввало, давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастурида илгари сурилган вазифаларнинг, айнан таълим тизимига оид қисмининг мазмун-моҳия-

ти хусусида сўз юритилиб, сайловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди. Туман халқ таълими тизимидаги баъзи муаммолар ҳам учрашув иштирокчиларини бефарқ қолдиргани йўқ. Масалан, 23-умумтаълим мактаби педагоглarning фикрича, вазирилик томонидан белгилаб берилган бир синфда 35 нафар ўқувчининг билим олиши фанларни талаб даражасида ўзлаштиришга, ҳар бир фанни чуқур ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Уртача 20 – 25 нафар ўқувчи ўқий-

диган синфдаги ўқувчилар давомида ҳам, фанларни ўзлаштиришда ҳам кўтилган натижаларга эришса бўлади. Бундан бир мунча вақт олдин "Барака" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Назира Ҳамроева ўз депутатига мурожаат этиб, маҳаллада дорихона ташкил этиш долзарб муаммога айланиб қолганини маълум қилган эди. Ушбу масала МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Рустам Бобоҳаджаев ҳамда депутатнинг ҳудуддаги ёрдамчиси Бахтиёр Исмоилов саъй-ҳаракати билан ижобий ҳал этилди. Дориҳона учун МФЙ биносидан 2 та хона ажратилди.

Учрашувда сўзга чиққан Янгиер қишлоғида истиқомат қилувчи Каром Эсанов хонадонларни электр қуввати билан таъминлашда узилишлар рўй бераётганини билдирди. Депутат Шухрат Бафоевнинг туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига қилган мурожаати натижасида қишлоқдаги электр узатишга мўлжалланган 6 та симёғочни янгисига алмаштириш ишлари бошлаб юборилди.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

120-Ҳазорасп сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нигора Қўтлимуратова "Шовот" МФЙда бўлиб ҳоким ёрдамчиси Шехназар Рўзметов фаолияти билан танишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрда "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича бажарилган ишларни ўрганди. Ҳоким ёрдамчиси маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича депутатга маълумот берди. Шунингдек, депутат тадбиркор аёл Лайло Матякубова томонидан янги ташкил қилинган иссиқхонани бориб кўрди. Бу борадаги ишларни кенг тарғиб қилиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Ризаев Ургутдан хушхабар тарқатди! Унинг маълум қилишича, Омонқўтонда 60 ўринли болалар боғчаси барпо этилди. Ҳоким ёрдамчиси бу ердаги ишларнинг сифатли бажаришидан тез-тез хабар олиб турибди. Соё буйи, виқорли тоғлар бағри сўлим дарахлар соясида мухташам мактабгача таълим ташкилоти очилиши жуда қувончли ҳодиса. Болалар тоза ҳаво, бетакрор табиат қўйнида соғлом ва етук тарбия олади. Сайловчилар давлатимиз раҳбарининг бундай фамхўрлигидан миннатдор!



ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН БОРАЙЛИК

Очиғи, ҳар гал ўзим сайланган ҳудудлар аҳли билан учрашувни интиқиб кутаман. Бу гапни расмиятчилик учун айтаётганим йўқ. Албатта, одамлар орасида юрсангиз, уларни қийнаётган муаммолар илдизини топиш қийин кечмайди. Табиийки, бу борада энг самарали усул очиқ, самимий мулоқот. Айниқса, масала жойида ўрганилганда янада юқори натижага эришилади. Депутатлик фаолиятида ҳам айни ёндашув сабабларни кенгроқ таҳлил қилишга имконият яратади.

Жарқўрғон туманида ўтказилган навбатдаги қабулда ҳам сайловчилар билан худди шу тарзда мулоқот уюштирилди. Электротар вакиллари билан очиқ-ойдин сўзлашдик. Жумладан, болалар учун тўланадиган нафақа пулини олишда, меҳнатга лаёқатсизлик тоифаларининг тайинлашида ТМЭК хулосалари берилишида ноҳолисликка йўл қўйлаётганини айтишди. Айниқса, ТМЭКга тақдим қилинадиган тиббий кўрик хулосаси инobatга олинмасдан, вилоятдаги қўшимча пуллик диагностика марказлари маълумоти талаб қилинаётгани, бу эса яна сарсонгарчилик ва ортқича сарф-харажатга олиб келаётганини билдиришди. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларидаги кўплаб камчиликлар ўртага ташланди. Хонадонда боғча очиб учун субсидия ва имтиёзли кредит ажратилишида ҳам жиддий муаммолар борлиги айтилди.



ишлатилганлиги махсус дастур орқали назорат қилинса, яна ортқича ҳисобот ва оворагарчиликнинг нима кераги бор? Тадбиркорни электр тармоғидан узиб қўйиш эса унга иқтисодий жиҳатдан зарар келтириши мумкин-ку! Шу боис шартномадаги айрим бандларга ўзгартириш киритилиши лозим.

Ушбу муаммолар юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Улар бунга жиддий ёндашиб, халқни рози қиладиган кўз билан қарашса, муаммоларни бартараф этиш учун амалий чоралар кўришса, мақсада мувофиқ бўлади.

Сир эмас, учта турдаги махсус дафтларлар юритила бошлиқ билан рўйхатга кирганларга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Хўш, бу ёрдамлар қай тарзда амалга ошириляпти, рўйхатга киргизиш, чиқариш, уларни иш

билан таъминлаш масаласига ҳолис ёндашиляптими?

Ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида Жарқўрғон туманида "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари", "Темир дафтар"га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларга кўрсатилган ёрдамлар юзасидан 2021 йилда амалга оширилган ишларни ўрганишга киришдик.

O'zLiDeP Жарқўрғон туман кенгаши депутатлик гуруҳи би-

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарориде кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, эшитишда ногиронлиги бўлган шахсларга аравача, тиббий-ортопедик буюмларнинг марказлашган ҳолда етказилишида ҳам ноҳолисликлар борлиги айтиб ўтилди. Бандлик масаласи ҳар доим муҳим бўлган. Бу жиҳатдан қараладиган бўлса, Жарқўрғон туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига жорий йилнинг 23 февраль кунига қадар 2 666 нафар фуқаролар ишга жойлашишни сўраб мурожаат қилган. Шундан 107 нафаригана доимий ишларга жойлаштирилган ҳолос.

Албатта, қолганларининг тақдирини ҳам ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак. Бевоисита ҳоким ёрдамчилари, депутатлар билан биргалиқда уларни ўзини-ўзи банд қилиш, кичик бизнесни йўлга қўйиш каби йўналишлардан фойдаланишга жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг, ҳудуддаги Маслаҳаттепа ва Ўрикли маҳаллаларида ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан учрашиб, уларнинг иш фаолиятидаги камчиликлар ўрганилди. Бир йўла маҳалла фуқароларини қийнаётган масалалар тингланди. Хусусан, фуқаролар субсидия ва кредитлар олиш, республиканинг етакчи клиникаларида соғлиғини тиклаш ва тиббий амалиёт (операция қилдириш) учун моддий ёрдам олиш юзасидан мурожаат қилишди.

Мазкур масала юзасидан туман ҳокимлиги ва тегишли вазирилик, мутасадди идораларга депутатлик сўрови чиқаришга келишилди.

Фахриддин САМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Тўғриси, бу фикрга кўпчилик ё қўшилиди, ё қўшилмайди. Бунинг сабаби эса баъзан турмуш иқир-чиқирлари билан овора бўлиб, атроф-муҳит муҳофазасини унуттишимиз билан боғлиқ. Гўё экология биз учун муҳим эмас, деган қараш мавжуд. Баъзи одамлар ҳовлиси эшигини ёпиб олгандан сўнг, ичкари омон бўлса бас, ташқари билан ишим йўқ қабилда фикр юритади. Аслида ҳар биримиз нафақат ўзимиз ашаб турган ҳудуд, балки дунё миқёсидаги экологик хавфнинг олдини олишга жавобгар эканимизни унутмаслигимиз керак.

ҲАТТО ҲАВОМИЗ СОФЛИГИ УЧУН ҲАМ ЖАВОБГАРМИЗ-КУ!

Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз ташаббуси билан ўртага ташланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида бу масалага катта эътибор қаратилган. Хусусан, стратегиянинг аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича белгилашган 79-мақсадида атроф-муҳитнинг ифлослашиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф-муҳитни кузатиш, унинг ифлослашиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий йўлга қўйиш масаласи илгари сурилган.

Шунингдек, республика ҳудудида амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хўш, бу каби жуда долзарб ва ўткир масалаларни ечишда фақат соҳага алоқадор ташкилот ёки назорат органлари иштирок этадими? Йўқ, албатта. Бунда жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол ёшлар, кексалар, депутат ва сенаторлар ҳам ўзларида масъулият ҳиссини сезишлари лозим. Шунинг учун ҳам бугун сенатор ва депутатлар жойларда бу масалаларни халқимиз билан бамабслаҳат олиб бориш бўйича мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказмоқда.

Стратегияда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экиш, республиканинг 10 та ҳудудида аэробологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш, машиий қиқиндиларни йиғинини 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш, республика бўйича 51 та ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофазазоналари ва соҳил бўйи минтақаларини бел-



гилаш ишларини яқунлаш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажминини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш, шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун "жамоат парклари"ни ташкил этиш, Оролбуйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш каби долзарб масалалар белгилашган.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Миробод туманидаги "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 35 нафар партия аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотнинг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги кунда "Sharq" нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, бутун Марказий Осиёда энг йирик газета-журнал комплекси ҳисобланади. Ҳозирги кунда "Sharq" замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, газета ва журналлар, қаттиқ ва юмшоқ муқовадаги китоблар, брошюралар, ҳар хил этикеткабоп, турли рангтаъбирли нашрлар ва бошқа босма маҳсулотлар, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи етакчи муассасага айланган.

Ушбу қўйи бўғин ўтган йил давомида бир қатор амалий ишларга қўл уриб, партия билан доимий ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Хусусан, мазкур БПТ томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилиб, туркум тадбирлар ташкил этилди. Натижада 27 нафар ёш бандлиги таъминланишига ҳисса қўшилди. Ишсиз ёшлар тажрибали тадбиркорлар томонидан ўқитилиши туфайли 10 дан ортиқ ёшлар ўз бизнесини очди. Ушбу ижобий ишларни амалга оширишда О'zLiDeP Миробод туман кенгаши ва депутатларнинг ҳамкорлиги муҳим саналади.

Йиғилишда қўйи бўғин томонидан бу каби ишлар алоҳида эътироф этилди. Мазкур ташкилотнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ижобий баҳоланди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилоти раиси ва ўринбосари қайта сайланди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ғиждувон туманининг "Буктарой" МФЙ ҳузурда ташкил этилган партия қўйи бўғини ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шўхрат Бафоев мамлакатимиздаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси" низоҳатда муҳим аҳамият касб этишини, ушбу ҳужжатда кўрсатиб ўтилган асосий йўналишлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сезиларли таъсир ўтказишини таъкидлаб, таянч тузилмаларининг ҳам бу борада ўз ўрни бўлиши лозимлигини қайд этди.



БПТ фаолият олиб бораётган маҳаллада жами 30 минг аҳоли бўлиб, турли миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилиб келишмоқда. Маҳаллада партия аъзолари сони эса тобора ошиб бораётган. Ҳозирги пайтда бу ерда 28 нафар маслакдошимиз ушбу ҳудудга туташ бўлган Зарафшон, Армечан, Оқул сингари маҳаллалар аҳолиси ўртасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган. Шу тариқа уларнинг саъй-ҳаракати билан салкам 20 йилдан бери аҳолининг сиёсий дунёқарашини шакллантириш, турли ёшдаги кишиларнинг О'zLiDePга бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилмоқда. БПТ аъзолари ўз етакчилири Аслиддин Тиллаев раҳбарлигида бундан кейин ҳам давр талаблари даражасида фаолият олиб борадиган бўлиши.

Йиғилиш қарорига биноан А.Тиллаев БПТ раислигига қайта сайланди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Музработ тумани электр таъминоти корхонасида ташкил этилган О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида қўйи бўғиннинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берилди.



ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ: ЮЗАКИ ИШЛОЛМАЙМИЗ, ТАНҚИДНИ ТЎҒРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЕРАК!

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА НАВБАТДАГИ САРҲИСОБ – ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ЎТЯПТИ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ҚЎЙИ БЎҒИНЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛГАН МАЗКУР ЖАРАЁН ТОБОРА ЮҚОРИ НУҚТАГА КЎТАРИЛЯПТИ. УНДА НАФАҚАТ МУАЙЯН БПТ АЪЗОЛАРИ, БАЛКИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ҚЎЙИ ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ҚАТНАШАЁТИР.



Илғор, ташаббускор ва тажрибали фермер Абулфазл Ҳафизов раҳбарлигидаги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган хўжаликнинг партияга хайрихоҳ бўлган 30 нафар ишчи-ҳодимлари аъзоликка қабул қилинди.

– О'zLiDeP фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда, – дейди Абулфазл Ҳафизов. – Негаки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал қилмай туриб, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириб бўлмайди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитларни тақомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларнинг етакчи кучга айланиши тарафдори бўлгани учун ҳам мазкур партия атрофида бирлашишни лозим топдик. Шу муносабат билан бугун фермер хўжалигимизда бошланғич тузилмани очдик. Келгусида юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, партия сафларида жипслашиб, унинг дастурий ғоя ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда камарбаста бўламиз.

БПТнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугун мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари қўллаб-қувватланиб, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш тобора яхшиланаётгани натижасида деҳқонларнинг ўз даромадларини оширишга муносабати тубдан ўзгараётганини алоҳида қайд этишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Китоб – инсонни маънавий камолот сари етакловчи, илм дурдоналарини авлоддан авлодга етказувчи воситадир. Чунки у қалбни ёритади. Мутлолаага меҳр қўйган, китоб орқали дунёни англаган одам ёмонликдан йироқ бўлади, эзгу амалларга интилади.

– Шундай экан, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ривожланиши учун ёшларимизни янада китобхонликка яқинлаштиришимиз керак, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Болалар кутубхонаси раҳбари Зулфия Сейтниязова. – Шу маънода партия томонидан

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

қизиқувчан йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "О'zLiDeP кутубхонаси" лойиҳаси рўёбга чиқариб келинаётганини олқишлаш лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур кутубхона қошида партия қўйи бўғини 2019 йили ташкил қилинган. Ишчи-ҳодимларнинг 33 нафари аъзоликка қабул қилинган бўлса, шуларнинг 17 нафари ёшлардан иборат.

Болалар кутубхонаси билан партиянинг Нукус шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтган йиллар давомида турли

риоя қилиш лозимлигини сингдириш борасида ишларни самарали ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

БПТнинг ўтган даврдаги фаолияти қоникарли деб топилиб, Шоназар Раззоқов БПТ раислигига қайта сайланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

О'zLiDeP Фарғона вилояти ва туман (шаҳар) кенгашлари томонидан "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

акциялар ўтказилди. Маърифат масканида қўйи бўғинда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида бу каби ибратли фикрлар тилга олинди. Қилинган ишлар ва жорий йилда амалга оширилиши белгиланган режалар муҳокама қилинди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Жойлардаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин паллага кираётгани Боғот туманида ҳам сезилмоқда. Бу ерда 80 та БПТ мавжуд бўлиб, 6 200 нафар аъзо-ни партия сафига бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Боғот туман бўлими таркибидagi бошланғич партия ташкилоти 2016 йилда 16 нафар партияга хайрихоҳ ҳодимлардан ташкил топган эди. Бугунги кунга келиб мазкур қўйи бўғинда аъзолар сони 48 нафарга етган. Бу ерда ҳайдовчиларни тайёрлаш билан бирга турли касб-хунарларга ўргатиш, жумладан, чилангар, пайвандчи каби касбларга ўқитиш ишлари ҳам олиб борилади. Ташкилотнинг ўтган йилги фаолиятига назар соладиган бўлсак, "Ёшлар дафтари"-га киритилган 149 нафар ўғил-қизни имтиёзли асосда ҳайдовчиликка тайёрланганини кўришимиз мумкин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 11 февраль кунини ўтказилган йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

Тараққиёт стратегияси"да белгилаб берилган устувор йўналишлар ва уни халқимизга етказишга бағишланган тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири О'zLiDeP Фарғона шаҳар кенгаши томонидан "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотиди бўлиб ўтди.

Тараққиёт стратегияси келгуси беш йилда мамлакат тараққиётини тўлақонли таъминлаб беришга қаратилгани, барча мақсадлар бугунги глобаллашув жараёнида Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган роли ва ўрнини ошириш, халқ фаровонлиги, тинчлиги ҳамда мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ҳамда фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ернинг ўзида "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ қошида ташкил этилган БПТнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам ўтказилди. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, 2003 йилда ташкил топган қўйи бўғинда бугунги кунда 260 нафар хайрихоҳ бирлашган. 2021 йилда 50 дан ортиқ ишчи-ҳодим партия сафига қабул қилинган.

Ҳисобот-сайловда қўйи бўғин фаолиятини янада жонлантириш борасида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, иштирокчиларнинг қўллаб-қувватлаши билан бошланғич партия ташкилоти раислигига Ферузахон Болтабоева сайланди.



юзасидан видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Видеоселектор йиғилишида кўтарилган долзарб вазифаларни амалга ошириш, бунда мазкур ташкилотда ҳайдовчилик кўникмаларини ўрганаётган ёшларга сифатли таълим бериш, уларга йўлларда ҳаракатланишда ўзаро ҳурмат ва йўл қоидаларига қатъий

Тадбирда ташкилотнинг бир гуруҳ ишчилари партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари ва кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

О'zLiDeP матбуот хизмати маълумотлари асосида Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ – ДУНЁДА ТИНЧЛИК ВА БАҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, ЖАХОН МАМЛАКАТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИДА МУХИМ ҲУРИНГА ЭГА БЎЛГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ. УШБУ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТГА ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОННИМИЗНИНГ 1992 ЙИЛ 2 МАРТДА, ЯЪНИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ИЛК БОСКИЧЛАРИДАЁҚ АЪЗО БЎЛГАННИ ХАЛҚИМИЗНИНГ КЕЛЖАККА БЎЛГАН ЮКСАК ИШОНЧИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ САҲИФАСИ ДЕЯ ТАЛКИН ЭТСАК АСЛО МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

суверен давлат сифатида аънавий равишда ташкилот фаолиятига оид ниҳоятда долзарб ташаббусларни илгари сурмоқда.
Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги бутунлай янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини дунё аҳолиси учун муҳим бўлган муаммоларга қаратиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Энг асосийси, ушбу тақлифлар зарурий, умуминсоний ҳамда аниқ, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар эса амалий ва изчил эканлиги билан жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлди.
Биргина мисол, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 33-бандида белгиланган вазифалар ижроси доирасида БМТнинг ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича БМТ ўқув маркази ташкил этилди ҳамда 2021 йил 29 март кунини очилди маросими бўлиб ўтди. БМТ ўқув марказининг Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи-

Ўзаро ҳамкорликнинг тарихий 30 йили

Ижобий хусусиятлар билан бирга салбий кўринишлар ҳам касб этаётган ҳозирги глобаллашув жараёнида БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги нафақат халқаро майдонда дипломатик муносабатларда, балки содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам Ўзбекистоннинг яқин позицияга эга эканини кўрсатади.

Бугунги кунда юртимизда БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, жағғармалари ва агентликлари, жумладан, Тараққиёт дастури, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Аҳоли қатламлари фонди (ЮНФПА), Халқаро Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ), Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНДОК), ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНАИДС), Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, Қочқарлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси, Саноат Тараққиёти Ташкилоти (ЮНИДО), Кўнгилилар дастури (ЮНВ) фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ўз навбатида, Нью-Йорк ва Женева шаҳарларидаги БМТ қароргоҳларида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхоналари мавжуд.

Таъкидлаш керакки, БМТ – умумжаҳон тинчлиги ҳамда ҳавфсизлигини қўллаб-қувватлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича ягона универсал тузилма бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз тенг ҳуқуқли аъзо сифатида БМТнинг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига қатъий риоя қилади. Шу билан бирга, ўз овози ва мақомига эга

72-сессиясидаги нутқи глобаллашув шароитида жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган миллий, минтақавий ва глобал даражадаги муаммоларга аҳамият қаратган ҳолда, уларнинг ечимлари билан боғлиқ прагматик ёндашувларни ўртага ташлагани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимиз етакчисининг БМТ минбаридан билдирган умумбашарий ташаббуслари бугун халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда ва ушбу ташаббуслар асосида қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Масалан, 2018 йил 22 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш”, 2018 йил 12 декабрда “Маърифат ва диний бағрикенглик” номи махсус резолюциялари шулар жумласидандир. 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида БМТ шафелигида дунёдаги ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг адолатли глобал тизимини бир-бирига яратишга қаратилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш ҳақида билдирилган тақлиф ҳам рўёбга чиқиш жараёнида.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислотларда ва қабул қилинаётган қонунлар ҳамда давлат дастурларида ҳам ҳамкорлик масалаларининг илгари сурилиши Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг ҳамда юртимизда демократик ўзгаришларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Хусусан, 2017–2021

лардан бўлиб Ўзбекистонда ташкил тоналганлиги ҳам Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги ўзига хос ва муҳим хусусиятга эга эканини кўрсатади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида 22 мартаба БМТ ва унинг асосий ташкилотлари билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида ургу берилган.

Давлат дастурининг **96-мақсади “Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш”** деб номланганнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг БМТ билан келгусидаги амалий ҳамкорлиги нақадар муҳим эканини яққол тасдиқлайди.

Хусусан, давлат дастурининг **372, 373, 374, 375, 376-вазифалари**да Ўзбекистонни БМТ тузилмалари орқали дунё ҳамжамиятига кенг танитиш, Ўзбекистон раҳбариятининг БМТ доирасидаги ташаббусларини амалга ошириши таъминлаш, БМТ ва унинг муассасалари билан иқтисодий-молиявий ва консалтатив ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада ўтказилаётган сиёсий-дипломатик ва тарғибот тадбирлари миқёсини кенгайтириш масалалари назарда тутилди.

Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институти БМТ ўқув
маркази раҳбари

“МЕҲР ДАФТАРИ”

БЕПУЛ, БЕМИННАТ ХИЗМАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2021 ЙИЛ 9 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЗАРБДОР ТУМАНИ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ ФАРЗАНДИККА ЁКИ ВАСИЙЛИККА (ҲОМИЙЛИККА, ПАТРОНАТГА) ОЛГАН ФУҚАРОЛАРГА БЕПУЛ ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЗАРБДОР ТУМАН ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРГА ЧИҚҚАН ҲОЛДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

“Ҳуқуқий тарғибот кўри” доирасида марказ ходимлари Равот, Тошкесган ва Шарқ Юлдузи маҳаллаларида самимий суҳбатлар ўтказишди. Оқиқ мулоқот жараёнида бир қатор қонунчилик ҳужжатлари бўйича ташвиқот ишлари амалга оширилди. Ҳукумат қарори билан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Меҳр дафтари” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлангани маълум қилинди. Унга мувофиқ, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида “Меҳр дафтари”га киритилади ва 25 ёшга



тўлганда ундан чиқарилади. Бундан дафтاردан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланган ва уй-жойи мавжуд бўлиши шарт. Бандлиги таъминланмаган ҳолат-

Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари “Меҳр дафтари”ни шакллантириш ва самарали юриштишга масъул ҳисобланади.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори асосан тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тулган йилда кўп квартиралар уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, воёга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда эса 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилиши белгиланган.

Давра суҳбати иштирокчиларига ижтимоий таъминот масалаларидаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича атофлича ахборот берилди. Шунингдек, мониторинг жараёнида ушбу тоифадаги фуқароларнинг мавжуд муаммолари ўрганилиб, уларни ечимини топиш масаласида Марказ томонидан бепул юридик хизмат кўрсатилиши тушунтириб ўтилди.

Ақром АБДУВОИТОВ,
Зарбдор туман юридик
хизмат кўрсатиш
маркази бош
юристконсулти

Жўжани кузда санаймиз

2021 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҚҲЙИДАГИ ХАБАРНИ ТАРҚАТДИ:



“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 февраль кунини қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида жорий йилда амалга оширилаётган дастур вазифалар мўҳкамаси ўзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қишлоқ ҳўжалиги – мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришда катта манбалардан бири ҳисобланади. Шу боис соҳага доир қўллаб-қўзғатилар қабул қилиниб, зарур шароитлар яратиб берилди. Боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шолчилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилди. Экинларни оқилона жойлаштириш ва илм билан етиштириш орқали бу йил ҳар бир гектардан олинадиган даромадни 5 минг долларга етказиш мақсади белгиланган.

– Экинлардан олинадиган даромаднинг кескин кўпайтириш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳадаги энг устувор вазифа бўлиши керак, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ана шу ракурсдан келиб чиқиб, мен пиёз ҳақида сўз юритмоқчиман. Аввало, айтиш жоиз: пиёз сувни энг кўп талаб қиладиган екин. Мавсум давомида каммида беш-олти марта суғорилиши керак. Шу сабабли оқар сув танқис бўлган бизнинг Зарбдор туманда пиёз экилишига қарши кескин курашадилар, аммо...

2009 йилгача пиёз экинларнинг “кетмони учиб қолар”, бир йиллик даромад эвазига ё автомобиль харид қилиш ёки уй-жой куриш (ёки сотиб олиш) мумкин бўлар эди. Шу боис имкон тоғдан одам борки, пиёз экиш ғамида юрарди. Масалан, 2008–2009 йиллари ўзимиз ҳам бир килограмм пиёзни 1000–1200 сўмгача сотганмиз. Одатда пиёз етиштирган деҳқон маҳсулотини кўтариб, бозорма-бозор юрмайди. Олибсатарлар далага ўзлари келиб, улгуржи савдо қиладди. Мен ана шу улгуржи савдо нархини назарда тутишман. Уша йиллари бир доллар 2200–2500 сўм бўлиб, бугунги кун пиёз савдоси нуқтаи назаридан жуда катта пул эди.

2010 йили даланнинг ўзидан сентябрь-октябрь ойларида улгуржи харид 500 сўмга ҳам етмади. Аввалги йиллардаги савдонинг мазасини олган деҳқонлар бу нархда пиёзини беришни истамайди. Кейин эса савдо тўхтади. Харидор келмай қўйди. Деҳқонлар пиёзини ҳовлиларига ғарамлаб, харидор кутишди, аммо... баҳор бошланганда аввал бир килосини 300 сўмдан ҳам беришга мажбур бўлди, охири икки оёқ бир этикка тиқилгач, 100 сўмдан ҳам бервориди. Кейин 30 килограмм чиқадиган бир тўрхалта пиёзни 1000–1500 сўмдан ҳам сотди (Шахсан ўзим шундай йўл тутганман). Ҳолбуки, ҳар бир тўрхалтанинг ўзи 500 сўмдан туршишни айтсам, пиёз эккан бечора деҳқон қандай даражада кафангадо бўлганини тасаввур қилаётгандирсиз. Барибир харидор келди, деб сабр қилиб кутганлар охир-оқибат сасиб бо-

раётган пиёзини яна улов ва мардикор ёллаб, қўшимча харажат эвазига чек-кароқ жойларга олиб чиқиб ташладилар.

Пиёз экишга иштиқмандлар орасида шундай гап бор: Пиёз бир йил пул бўлмаслиги мумкин, икки йил пул бўлмаслиги мумкин, аммо учинчи йил албатта битинг тўкилиб қолади. Шу боис пиёзни ҳар йили экавериш керак.

Афсуски, 2009 йилдан бери ўн икки йилки, пиёз эккан деҳқоннинг бити тўкилмапти. 2020 йили ҳам шу аънава давом этди. Масалан, айни кунларда Жиззах “Кўкбозор”ида 1500–1800 сўмга яхши пиёзни килобай харид қилиш мумкин. Зарбдор деҳқон бозорига эса 1000 сўм. Икки-уч кун аввал “УАЗ” юк автомобилчасини пиёзга тўлдириб, бизнинг Бўстон қўчаларимиз оралаб сотиб юришган экан, шахсан ўзим сифатли, йирик-йирик, бир тўрхалта (30 килограмм) пиёзни 3000 сўмга олиб қолдим. Демак, **2009 ва 2021 йиллар оралиғида пиёз нархи ўзгармабди. Ҳолбуки, бошқа ҳамма нарсанинг нархи уч-тўрт барабар кўтарилган: ер-сув, солиқ, ўғит, улов, техника, захарли химикатлар, пиёз қатор ораларини бегона ўтдан тозалатиш, пиёзни пишгандан сўнг қовлаб олиш, бандларини кесиш, жойларга уйиш, қоплаш, уловга ортиб, даладан олиб чиқиш – ҳаммаси харажат талаб ишлар.**

Келинг, қисқача шарҳлаб ўтайлик:

1. Бир гектар ерни ҳайдашга тайёрлаш, ҳайдаш, текислаш, бороналаш, экиш учун ўрта ҳисобда 1 500 000 сўм зарур.
2. Бир гектар ерга яхши пиёз уруғи ўрта ҳисобда 1 000 000 сўм.
3. Агар аммофос ишлатилса, 500 килограмм – 2 000 000 (бир тоннаси – 4 000 000) сўм.
4. Одатда бир гектар пиёзга 2 тоннага қадар аммиак селитра солишади – 4 000 000 (бир тоннаси – 2 000 000) сўм.
5. Каммида 500 000 сўмлик захарли химикат керак.
6. Уч марта ўтоқ. Одамлар (ишсиз аёллар, қизлар, ўсмир ёшлар) пиёз ўтоғига кунлик ҳашарга чиқишади. Ҳар бир ҳашарчи учун кунлик нарх ўртача 150 000 сўм. Демак, бир ўтоқ – 5 000 000, уч ўтоқ – 15 000 000 сўм.
7. Пишган пиёзни ердан олиб олиш, бандини кесиш, йиғиш, қоплаш, даладан олиб чиқиш яна – 10 000 000 сўм.

Бундан бошқа харажатлар ҳам кўп: миброни (ва бошқа масъулларни) рози қилиш; агар насос орқали суғориладиган ер бўлса, электр энергияси, насос, канал ҳўжайинлари билан “келишиш” талаб этилади. Ва яна... қўйинг, чуқурлашиб кетавермайлик...

Биз санаб ўтган етти тур харажатнинг ўзи 34 000 000 сўмга етди. Ана энди даромад ҳисобини

олайлик. 1987 йили менинг кўз ўнгимда бизнинг бригада ишисини Мавлон Тўрақул 13 сотих майдондан 11 тонна пиёзни “КамАЗ”га юклаган эди. Демак, бир гектардан 80 тонна олган бўлиши мумкин. Лекин ундан бундан кўп сувлар оқиб ўтди. Ҳозирга ўртача 40 тонна олишлари мумкин. Демак, кўпи билан – агар 1000 сўмдан сота олса – деҳқон бир гектар пиёздан 40 000 000 сўм даромад қиладди. Соф фойда эса 6 000 000.

Пиёздай сермеҳнат, сермашқат, сувга юкчи талабли экин учун бу – деҳқон икки қўлини бурнига тиқиб қолди, дегани бўлади.

Ўн икки йилки, шу аҳвол. Бир қўшиқда айтилганидек: “Ҳар баҳорда шу бўлар такорор...” Лекин пиёзчилар ҳам қайтмайдиганлар хилдан. Янаги йил яхши бўлиб қолар, деган умидда такорор-такорор экишяпти. Шу боис бозорларимизда пиёз арзон. Қолаверса, уйингизга қадар ўзлари етказиб келиб, арзимаган пулга сотишяпти.

Мазза! Тўкин-сочинлик! Пиёз экувчи деҳқон эса... бир кунини кўраб-да!

Зўр келса, пиёз экмасин! Шу ўринда жиддий бир мулоҳаза: барибир режалаштириш керакка ўхшади. Ҳеч бўлмаста, тавсия тарзида. Йўқса, бир йили пиёз қимматлашиб кетса, янаги йили ҳамма пиёз экишга тушади. Хуллас, қай бир маҳсулот бир йил қиммат бўлса, кейинги йили... Ана шу хил ҳолатларнинг олдини олиш учун, экин экувчилар банкорт бўлмаслиги учун... Қолаверса, эндиликда кам даромадлиларга, ишсизларга шариит яратилди, ер ва кредит берилиши назарда тутилган. Бундайларнинг банкорт бўлиши осон. Шу сабабли ўйлаб, пухта ишлаш, қишлоқ ҳўжалигини тезроқ рақамлаштириш зарур, шекилли.

Давлат раҳбари иштирок этган йиғилишда таъкидланишича, “ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган вазифаларга мувофиқ, ишсиз фуқароларга 10 сотихдан 50 сотихгача ер берилмоқда. Мутасаддиларга ушбу ерларни аҳолига яқин жойдан ажратиш, уруғ, ўғит ва техника таъминотида кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар” берилди. “Жорий йилда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини 702 минг тонна уруғ ва 105 миллион туп кўчат билан таъминлаш зарур”лиги айтилибди.

Хуллас, Ўзбекистон Президентини нафақат пиёзчиларнинг, балки барча деҳқонларнинг “кетмони учини”ни истатапти. Энди бу қарорлар жойларда – туманларда, маҳаллаларда қай халит ижро этилишига боғлиқ. Ижро эса туманлардаги мутасаддиларнинг ҳалоллигига; давлат раҳбари улар олдида қўяётган вазифаларни қандай бажаришларига; ўз нарсидан кўра халқни рози қилиш истгани биринчи ўринга қўйишларига ва яна бир қанча масалаларга боғлиқ. Жўжани кузда санаймиз, дейдилар-ку! Омон бўлсак, кўраверамиз.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,
ёзувчи

суд ҳимояси

ОЙЛИГИНИ ОЛОЛМАЙ САРСОН ЭДИ...

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаш шарт. Меҳнатга ҳақ тўлаш мuddатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчик туманлараро судига Тошкент вилояти бандлик башо бошқармаси (давъогоар) давво аризаси киритишига ҳам юқоридаги қонун нормалари бузилиши сабаб бўлган. Давъогоар аризасида давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Т. Жалолов манфаатида “GEOTECH ENGINEERING” МЧЖ (жа-

вобгар)дан унинг иш ҳақини ундиришни сўраган. Маълум бўлишича Т. Жалолов ушбу жамият раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишлаган, бажарган ишлари учун шартномага биноан олиши керак бўлган иш ҳақларини ололмаган. Шу боис даввогар Т. Жалоловнинг оиласидаги моддий таъминотга зарар етгани, қарамоғида воёга етмаган фарзандлари борлиги, моддий жиҳатдан қийналиб қолганини кўрсатиб, жавабгардан унинг фойдасига 18 495 756 сўм иш ҳақидан бўлган қарздорлигини ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида чақирилган Т. Жалолов судга келмади, телефон орқали сўзлашилганда кела олмалиги, доимий яшаш жойи Бухоро вилоятида келиб-кейтиш мушкуллиги, иш ҳақини ололмагани, пандемия туфайли даввони унинг иштирокисиз кўриб, қаноатлантириб беришни сўради.

“GEOTECH ENGINEERING” МЧЖ раҳбари ҳам судга қаршисини берди. Унинг айтишича, судга келмади, телефон орқали сўзлашилганда кела олмалиги, доимий яшаш жойи Бухоро вилоятида келиб-кейтиш мушкуллиги, иш ҳақини ололмагани, пандемия туфайли даввони унинг иштирокисиз кўриб, қаноатлантириб беришни сўради.

Меҳнат кодексининг 72-моддаси 1-қисмига кўра меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, маалака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходимларга иш ҳақи, оdatда, улар ишлаётган жойда тўланади (МК 163-моддаси). Шунингдек, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш,

Феруза ЖАЛОЛОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Чирчик туманлараро суди судьяси

МАДАНИЯТ, БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ГУЛЛАР АРМОНИДАН “ЙИЛЛАР АРМОНИ”ГАЧА ёхуд театрларга тортилган йўлларим ва ўйларим

ХУШХАБАР

Дам олиш кунлари пойтахтимиздаги театрларда кўйилиши кутулаётган спектакллар рўйхатини кузата туриб кўзим кўнаб кетди: “Йиллар армони”, Ўзбекистон давлат драма театрида. Қандай яхши?!

Суюнганим бежиз эмас. Ўтган йил адоғида Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кечаларнинг бирида иштирок этгандим. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан ўтказилган айна тадбир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бўлган. Унда номини дастлаб қайд этганим театр жамоаси “Йиллар армони” спектакли (драматург Учқун Усаров асари асосида, режиссёр Расулжон Тоғайкуловдан парча намойиш этишди). Улуғ шоиримизнинг айнан ижодга лиммо-лим фасли – талабалик даврини акс эттирган ушбу қисқагина лавҳа бошланишиданок ҳар қандай ёшдаги инсонни нақ беғубор, орзуманд дамларга қайтарганди.

Айниқса, ёмғирли сахна. Шаррос ёмғир куча бошлади. Баҳор ёмғири. Жуфт-жуфт бўл-

бўлди. Шунданми, няхояда дастур ташкилотчиси бўлмиш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилиб, ҳар бир меҳмонга улашилган китоб – шоирнинг жамланган асарлари тўпламини кўпчилик варақлашга тушди. Менда эса “Йиллар армони”ни тўлиқ кўриш орзуси пайдо бўлди.

Зеро, ўқувчилар, хусусан, мактабнинг юқори синфларида таҳсил олаётган менинг фарзандларим ҳам уни кўришса эди, деб хаёлимдан ўтказгандим. Хабарлар лентасидаги хушхабар менинг ўша орзум – спектаклни тўлиғича кўриш мавриди келганини эслатарди.

Мавриди келганида айтай, ҳозирда қайси телеканални томоша қилганг ёки аксар театр, кинозалларга борманг, картиналарнинг 80 фоизда йиғлаш, хўнграш манзараси бот-бот учрайди, тагин узок давом этади. Ҳайрон қолсан, нима бало, бу актёрлар шу “санъат”и учун алоҳида тақдирланадими, хорж сериаллари қаҳрамонлари йиғламай туриб ҳам йиғлатади-ку одамни, деб қоламан ичимда. Қарабсизки, турмуш ташвишларидан чалғиб, бироз дам олиш ва керак бўлса, алданиш истагида келган томошабинлар аксинча, дили баттар сиёҳ бўлиб, бир дардига минг дард орттириб қайтишади. Ором ва янгилик куч ололмаган руҳият эса у жойларга

бир дона гулнинг ўзи 30–50 минг...

Куруқ қайтганимни сезган ҳайдовчи вазиятдан хабардордек изоҳ берди:

– Бу атрофдан бошқа гул дўкони йўқлиги учун улар истаган нархни кўйиб сотишади. Чунки бу ерга асосан фарзанд кўрган аёлини туғруқхонадан олиб чиқишга табриқлаш, камераларга чиройли тушиш мақсадидаги оталар келишади. Уларнинг асосий харидори шулар...

Ана, гап қаёқда? Ўзи хон, кўланкаси майдон, деб шуни айтишса керак-да.

Демак, бу ерга булочка, музқаймоқ сотиб олиши учун берилган арзимасгина пуллардан чегириб, ёмай-ичмай йўққан сармоясига онасига ақалли бир донагина гул бериб хурсанд қилмоқчи бўлган ўқувчи кироламайди. Ёхуд бемор хотинининг кўнглини олишни истаган, ўзи ўртамеёна иш ҳақиға ишлайдиган ишчи-хизматчилар ҳам йўлолмайди. Инсоф сари барака бўлишни билмаганлари етмаганидек, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ристаларининг барбод бўлишига “ҳисса” қўшаётганларини ҳам пайқариман шу ноинсофлар?! Расталарига ҳам эътибор берсангиз, ўрта аср француз киноларидаги аёллар либосини эслатуви қават-қават рангдор қоғозлардан ўрамада бир тутамгина гулларни жойлаштириб, яъни “пуплаб” бир кучоқ гулдастага айлантирилган, гулидан қоғози кўп бир бойлам. Бир замонлардаги каби уч дона қирмизи чинни-гулдан ёки бир банд қашқаргул ё мойчекадан ялтироқ-шиқирлоқ ўрамда, табиийлик барқ уриб турган гулдасталарни тополмайсиз бу ердан. Улар мен учун доим энг қадрли бўлиб келган. Чунки бизга одатда ана шундайлари ҳаёда қилинган ва оддийликни афзал билганимиз учун нигоҳимиз дастлаб ўшаларни излайди.

Шу хаёллар билан театрга яқинлашимизга бир баҳа қолганини сезмай қолибман. Соатимга қарадим, 15 дақиқа бор спектакль бошланишига. Аммо гулсиз боргим йўқ, одатим шунақа. Спектакль охирида энг зўр ижрочини тақдирламасам кўнглим жойига тушмайди. Бунинг устига, жонли ижрода, фидойиларгина хизмат кўрсатадиган бу масканга томошабинлик тўхтасиз боришни ҳазм қилолмайман. Бир марта вақт тиғизлиги, репертуардан кечроқ хабар топганим ва у картина анчадан бери интиқ кутганим вақидан шошиб, гулсиз борганимда мени ҳайратлан-тирган роль ижрочисини тақдирлолмаганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетганим эсимда...

Тўсатдан, театр кўчасига бурилишимизга бироз қолганда миямда ярқ этган фикрдан суюниб кетдим: “Гангада гул бозорига ҳайдан”. Хайриятки, бу ердаги гулхонанинг гулозли сотувчиси у ёқдаги битта гулдастанинг пулига нақ 3 тасини кўлимга тутқазди! Яна денг, мен қадрлаган гуллардан!

Спектакль аввалидаёқ йўл-йўлакай орттирган дилхираликларим тарқаб кетди. Шоирнинг қитмир болалиги тасвири мен ва акам ўртасида тез-тез бўлиб турган беғубор жанжалга ярашувларимизни эсга солди. Қишлоқ манзаралари, тандирдан узилган қип-қизил нонлар таровати, юлдузли кечаларда осмонга боқиб, улар билан сирлашиб ётиш, она меҳрининг бекиёслиги, яхшилар кўмаги ва ҳоказоларда уларни худди ҳаётда кўраётгандек бўласиз. Чунки сахна декорацияси, либослар, сўзлашувлар, бари-бари фақат табиий ва юксак маҳорат билан ижро этилларди. Айниқса, ўша ёмғирли сахна кўпчиликка, зурриётларимга ҳам маъқул келди, гарчи тақдор кўраётган бўлсам ҳам, илк дафъадагидек хузурандидим.

Хуллас, икки соатлик спектакль давомида шоирнинг ичхаллаштирилган автобиографиясидан баҳраманд бўласиз. Воқеалар ривожини шоир шеърлари билан тўлдириб берилгани асар таъсирчанлигини оширган.

Албатта, бу намойиш ҳам камчиликлардан холи эмас, аммо унинг сахна юзини кўрганига ҳали унча вақт бўлмаганини ва келгусида мутахассислар ҳамда томошабинлар фикрига таяниб тузатиб борилса, уларни бартаф этиш имкони олданда эканидан хотиржам бўламиз. Энг муҳими, ижодий жамоа ўз мақсадида эриша олди: уни кўрган ҳар бир инсон халқимизнинг сеvimли фарзанди, халқ шоири билан фахрланиши, шеърларига муҳаббатни ортиши ва китобларига мурожаат этиши аниқ!



Мени энг қувонтиргани, театрдан чиқиб, энди қаерга борамиз деган саволимга болаларимнинг биваракайига берган қуйдаги жавоби бўлди: “Китоб дўконига! Абдулла Ориповнинг ҳамма китобларини сотиб олайлик, онажон!”...

ТЕАТРЛАР ОЛДИДА НЕГА ГУЛ ДЎКОНИ ЙЎҚ?

Ўша кундан бери шу фикр хаёлимда гужғон ўйнайди: ҳар бир театр олдида ҳеч бўлмаганда биттадан гул дўкони қўриб фойдаланишига топширилса ва камда 2 нафардан ишчи бўлишни ҳисобласак, 76 нафар ҳамюртимизни ишсизлик балосидан асраган бўла-ми. Энди бошқа дам олиш жойларидегисини ҳам тасаввур қилаверинг. 200–300 та иш ўрни дегани!

Яратиладиган шохобчаларда нафақат янги узилгани, қолаверса, тувақда ўстирилгани, қўлда мато ва қоғозлардан тайёрланган хунармандлик намуналари, ихчамгина эсдалик совғалари савдосини ҳам йўлга қўйиш керак. Ҳашаматдан, миннатдан кўра қадрлашни аниқлаш ва совғалар бўлсин.



Бундай шохобчаларни нафақат театрларда, балки барча томоша, концерт залларида ҳам очиб керак. Айримлар эътироз билдири-

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



ганча ёмғирпўш кўтариб олган йигит-қизлар. Улар бир кўллари билан соябон бандини, иккинчиси билан бир-бирларининг кўлларида тугтанча талаба йигитнинг гитара садоси остидаги қўшиғига ҳамоҳанг қадам ташлаб, ёнгилгина рақсга тушишади:

**Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи
Ёмғирли кун каби эзилди дардим.
Яйдоқ кечаларда жим юрган кўйи
Сенинг изларингни ахтардим.**

**Уфқларда эса ачиқ бир туман,
Менинг кўзларимга қуярди заҳар.
Уюшган қалбинини сокинлик билан
Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар...**

Қалби муҳаббатга лиммо-лим ёшларнинг сокин рақслари куй-қўшиққа монанд, беихтиёр сиз ҳам улардан бирига айланасиз.

Сўнг ошиқлар бир-бирларини қувлаганча беғубор кулгулари ила ёйиб бўлишади (томошабинлар уларнинг кетишини истамаса-да гулдурсоқ қарсақлари билан кузатиб қолишадилар). Ёшларни бир четда жилмайибгина кузатиб турган ровий ролидаги шоир яқун ясайди:

**Менку бу дунёни обдон ўргандим,
Уммонидан тортиб тоғигача то.
Қувончли кунларни роса кўргандим,
Бенасиб қолмадим ғамдан ҳам ҳатто.**

**Энди хоҳлайсанми, йўқми барибир,
Рўбарў келади сенга ҳам олам.
Фақат қувончимни кўрсатсин тақдир,
Бошқасин тақдорлаш шарт эмас, болам...**

Хуллас, қисқагина лавҳада эмонамиз буюк шоири ижодининг энг жушқин паллалари, нозик қирралари унинг шеърларидан тузилган нозик диалогларида гўзал акс этганки, у шеърларни ёд олиб улғайган биз ўрта ва катта авлод вакиллари қаҳрамонларга кўшилиб дилимизда тақдорладик. Қайтадан мутлолаа қилиш иштиёқимиз ортиди. Ёшлар учун эса адиб ижодига қақирувчи самарали тарғибот дастури

яна боришни истамайди, ўз-ўзидан қадамларингиз ҳам тийилади...

ҚАЕРДАСАН, МЕН ИЗЛАГАН ГУЛ?

Меҳмонжонларни кузатди-у, телефон орқали такси чақирдик. 45 дақиқалар вақтимиз бор спектакль бошланишига. Машинага жойлашимиз биланок шофёрга эслатдим: Илтимос, йўлда гул дўкони бўлса, тўхтаб ўтинг.

– Ҳа, ҳа, шундай қилайлик, – биргаллашиб фикримни тасдиқлашди ўғилларим ҳам. Нигоҳларимиз йўл четигадаги савдо шохобчаларида, аммо масофанинг ярмидан ортқини босдик ҳамки, бирорта шундай дўкон учра-масам денг. Аммо юзга чиққан чипқондек ҳар қадамда дорихона?!)

Хайрият, Кўкчада, 1-туғруқхона яқинида гул дўкони чиқди. Хурсанд бўлиб, ичкарига отилдим. Бир-биридан гўзал гулларга қараб қиш ўртасида кайфиятим баҳор бўлди.

– Бу қанча? – сўрадим тайёр гулдасталардан бирига яқинлашиб.
– 200 минг.
– Бу ниси-чи? – аввалгисидан анча кичик, одмигина, уч донагина гул ва ўтлардан тайёрланганини кўрсатдим.
– 100 минг.
– Арзонроқ бўладими?
– Йўқ, бўлмайди! – дея шеригига ўгирилиб олиб суҳбатга тушди сотувчи аёл...

Қизиқ, гул сотувчи ҳам миҳозга шунақа хурматсиз, кўпол муомала қиладими? Мен инсоннинг сотадиган маҳсулотини унинг кайфиятида ҳам акс этади, деб хато ўйларканман-да, демак. Айниқса, мана шу анвойи гуллар савдоси билан шуғулланувчиларга ич-ичимдан ҳавасим ҳам келарди, уларнинг қишин-ёзин кайфияти баҳор бўлади, қандай мазза деб. Бу эса... Олсанг ол, бўлмас сур, дегандек туришидан дилим оғриб-да, сир бой бермадим.
– Иккита оламан.
– 10 та олсангизам шу. Ҳозир қиш бўлса,

Тошкент Банк коллежи томонидан **Жўраев Бахромжон Ботиржон ўғлига** 2011 йил 9 июнда берилган **К № 2236380** рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Ғузур туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан **Қаҳорова Дилоро Номозовнага** 2004 йил 19 июнда берилган **ЎР-А №1670871** рақамли 11-синфни битирганлик тўғрисидаги шаходотнома йўқолгани маълум қилинади.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожддин САЙИДИ
Аҳдам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор
МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 351 Адади: 4898
Баҳоиси келишилган нархда.
Тоширилди – 22:15

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нейматов,
Маъруфжон Раҳмонов
сахифалади.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Аслиддин АЛИМАРДОНОВ